

РАҚАМЛАР ЮКСАЛИШДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ ОЛТИНСОЙ ТУМАНИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ



Туманимиз саноатчилари 3-чоракда **242,2** миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсалар, қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар январь-сентябрь ойлари оралиғида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми **560,3** миллиард сўм (**203,1** фоиз)га тўғри келди. Шунингдек, **121,4** миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Бу рақамни ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичлар билан қиёслаганда, **104,6** фоизлик юксалиш бўлганлиги кўзга яққол ташланди.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида туманимиз аҳолисига кўрсатилган жами хизматлар миқдори **556,9** миллиард сўм (**111,3** фоиз)дан ортди. Чакана товар айланмаси эса **653,7** миллиард сўмликка этди.

Маълумки, туманимизда ҳам бугунги бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, экспорт ва импорт масалаларига алоҳида эътибор билан қаралаяпти. Шунинг эвазига туманда 3-чоракда ташқи савдо айланмаси ҳажми **10300,6** минг АҚШ доллари, шундан экспорт ҳажми **7348,8** минг АҚШ доллари, импорт ҳажми **2951,9** минг АҚШ доллари қийматига тенг бўлди.

Олтинсой туман статистика бўлими